O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани

ҲОКИМИ

68

# ҚАРОР

2005 yil "29" декабр № 602-К.

**Фукаро Рахмонов Умидга пардозловчи пишик гишт цехи куриш учун 0,2 га ва тупрок кони очиш учун 1,8 га ер майдони ажратиш хакида.**

Самарканд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 21 декабрдаги 77 сонли баённома-хулосаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Ш.Рашидов номли ширкат хужалигининг 2005 йил 18 августдаги 2 сонли умумий вакиллар йигилиш карори ва фукаро Рахмонов Умидни туман хокимлигига берган аризасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан:

**КАРОР КИЛАМАН:**

1. Фукаро Рахмонов Умидга пардозловчи пишик гишт ишлаб чикариш цехи куриш учун 0,2 га ва тупрок кони очиш учун 1,8 га жами: 2,0 га (шундан: 2,0 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини кишлок хужалиги кооперативи (ширкат хужалиги), дехкон ва фермер хужаликларига ва бошка ташкилот, корхоналарга узок муддатли ижарага бериш (сотиш) масалаларини куриб чикувчи комиссиясининг 2005 йил 21 декабрдаги 77 сонли баённома-хулосаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ва Ш.Рашидов номли ширкат хужалигининг 2005 йил 18 августдаги 2 сонли умумий вакиллар йигилиш карори тасдиклансин.

2. Барча мухандислик тармоклардан техник хулосаларини олиб меъморчилик булими томонидан лойиха-смета хужжатлар тайёрланиб курилиш ишларини бошлаш вазифаси фукаро Рахмонов Умидга топширилсин.

3. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** [signature] **Б. Садуллаев**